

## Турли муносабатларга оид зикрлар (давоми)

Image not found or type unknown



20:01 / 26.12.2018 3891

Қуёш чиққанидан сўнг шуруқ намози ўқилса, жуда яхши бўлади.

Уйга етиб борганда кираётиб, ушбу ҳадисдаги дуони ўқийди.

هِيَ لَعَلَّهَا لَوْ سَرَرَلْ أَقْ: لَأَقُؤَنَّ عُلَّ لِي ضَرِّي رَغِي شَأْلِكِ لَامِ يَبَأَنَّ ع  
جَحْمٌ لِي رِيحٌ وَجَلْمٌ لِي رِيحٌ كَلْ أَسَأَ يِّنِ مُهَلَّلَا: لُقِي لَفُ هَتِي بُلُجُّ لَجَلْ وَ أَدَا: مَلَسُو  
يَلَعٌ مَلَسُيْلٌ مُثْ، أَنْ لَكُوتَ أَنْ بَرَهَلَلَا يَلَعُو، أَنْ جَرَحَ هَلَلَا مَسَبُو، أَنْ جَلَوَهَلَلَا مَسَبُ  
دُوَادُ وَبَأَهَاوَر. «هَلْهَأُ»

*Абу Молик Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Киши уйга кирганда «Аллоҳумма! Иннии ас-алука хой-рол мавлажи ва хойрол махрожи. Бисмиллаҳи валажнаа ва бисмиллаҳи**

**хорожнаа ва ʔалаллооҳи роббинаа таваккалнаа», десин. Сўнгра аҳлига салом берсин», дедилар».**

*Абу Довуд ривоят қилган.*

Дуонинг маъноси: «Аллоҳим! Албатта, мен Сендан яхши кириш ва яхши чиқишни сўрайман. Аллоҳнинг исми ила кирдик. Аллоҳнинг исми ила чикдик. Роббимиз Аллоҳга таваккул қилдик».

Таомни еб бўлгандан сўнг Аллоҳ таолога ҳамд айтиб, дуо қила-ди.

لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ مُحَمَّدٌ عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ  
«لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ مُحَمَّدٌ عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ».

«Сунан» соҳибларининг ривоятида:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон ўз таомларидан фориғ бўлсалар, «Алҳамду лиллааҳиллазии аʔаманаа ва сақоонаа ва жаʔаланаа муслимийн», дер эдилар», дейилган.**

Дуонинг маъноси: «Бизни таомлантирган, сероблантирган ва мусулмон қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин».

Кийимни кийишда «бисмиллаҳ» айтилади ва қуйидаги дуо ўқилади.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ  
«بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ»

*Саҳл ибн Муъоз ибн Анасдан, у киши ўз отаси розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Ким кийим кийганидан кейин «Алҳамду лиллааҳиллазии касаани хазас-савба ва розақониҳи мин ғойри ҳавлин мин-нии ва лаа қувватин», деса, унинг аввалгию, кейинги гуноҳлари мағфират қилинур», дедилар».**

*Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган.*

Дуонинг маъноси: «Менга ушбу кийимни кийдирган ва менинг куч-қувватимсиз уни менга ризқ қилиб берган Аллоҳга ҳамд бўлсин».



*Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Ким балога учраган кишини кўрганда «Алҳамду лилла-аҳиллазии  
ъаафаани миммаа ибталаака биҳии ва фаддолании ъалаа касиирин  
мимман холақо тафзиилан», деса, унга ўша бало етмайди»,  
дедилар».**

*Термизий ривоят қилган.*

Дуонинг маъноси: «Сени мубтало қилган нарсасидан менга офият берган  
ва мени Ўзи халқ қилганларнинг кўпчилигидан афзал қилган Аллоҳга ҳамд  
бўлсин».

*(давоми бор)*

*“Нақшбандия: вазифалар, зикрлар” китобидан*